

Date: 1<sup>st</sup> April-2026

**ЕР МУНОСАБАТЛАРИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА  
ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Сулаймонов Зиёвуддин Махбубович**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти

Email: [SulaymanovZiyovuddin0101@gmail.com](mailto:SulaymanovZiyovuddin0101@gmail.com)



Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги янги таҳрирдаги **“Прокуратура тўғрисида”**ги<sup>2</sup> Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифаларига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш киради.

Прокурорнинг назорат предметлари Вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.

Муҳтарам Президентимиз Ш. М. Мирзиёевнинг 08.06.2021 йилдаги **“Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-6243-сонли Фармони билан **“Ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши”** ташкил этилиб, мазкур кенгашга лавозим бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раис этиб белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.02.2022 йилдаги **“Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”** ги<sup>3</sup> ПҚ-138-сонли Қарори билан Прокуратура органлари зиммасига юклатилган қўшимча вазифаларни самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида 8 та штат бирлигидан иборат бўлган **“Ер ресурсларини талон-тароғ қилинишининг олдини олиш”** бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокуратураларида эса умумий штат бирлиги 56 тадан иборат бўлган **“Ер**

<sup>2</sup> <https://lex.uz/uz/docs/106197> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, янги таҳрирда.

<sup>3</sup> <https://lex.uz/uz/docs/5870331> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-138-сонли Қарори.

Date: 1<sup>st</sup> April-2026

*ресурсларини талон-тароғж қилинишининг олдини олиш*” бўлимлари ташкил этилиши белгилаб берилди. Ҳамда мазкур Қарор ижрои юзасидан мамлакатимиз ҳудудида ер ва ерга оид муносабатларда ноқонуний ҳолатларга чек қўйиш ва уларни олдини олиш мақсадида Бош прокуратура таркибида *“Ер ресурсларини талон-тароғж қилинишининг олдини олиш*” бошқарма ва бўлимлари ташкил қилинди.

Рустамбаев ер муносабатларида қонунийликни таъминлаш давлат ер сиёсатининг асосий йўналиши эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, прокурор назорати ер ресурсларидан мақсадли фойдаланиш устидан умумий қонунийлик назоратининг муҳим шакли ҳисобланади. Олим ер муносабатларида назоратнинг самарадорлиги қонунийлик аниқлиги ва назорат органлари ваколатларининг белгилаб қўйилганлиги билан боғлиқлигини қайд этади.<sup>4</sup>

Мадалиев ер муносабатларида прокурор назоратини экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш воситаси сифатида баҳолайди. Унинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги ерларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари нафақат иқтисодий, балки экологик зарар ҳам келтириши мумкин, шу боис прокурор назорати профилактик характерга эга бўлиши лозим.<sup>5</sup>

Қодиров ер муносабатларида давлат назорати механизмларини таҳлил қилиб, прокурор назоратини умумдавлат назоратининг конституциявий кафолати сифатида баҳолайди. У прокурор текширувларининг тизимли ва таҳлилий асосда ташкил этилиши зарурлигини илгари суради.<sup>6</sup>

Колбасов табиий ресурслар соҳасида давлат назоратини ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси сифатида кўради. Унинг фикрича, ер ва бошқа табиий ресурслар устидан прокурор назорати жамоат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши лозим.<sup>7</sup>

Суханов мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлашда прокурор иштирокини ҳуқуқий кафолат сифатида баҳолайди. Унинг қарашларига кўра, давлат мулк объекти бўлган ерга нисбатан қонунийликни таъминлашда прокурор назорати ҳуқуқий мувозанатни сақлашга хизмат қилади.<sup>8</sup>

Sprankling ердан фойдаланиш устидан давлат назоратини “public interest” доктринаси билан боғлайди. У ер муносабатларида давлатнинг тартибга солиш ваколатлари жамоат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши лозимлигини таъкидлайди.<sup>9</sup>

Таҳлиллар шуни кўрсатадики прокурор назорати ер муносабатларида қонунийликни таъминлашнинг муҳим механизми ҳисобланади, у жамоат ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари, назорат профилактик ва тикловчи характерга эга бўлиши лозим ва назорат жараёни

<sup>4</sup> Рустамбаев Р.Х. *Ер ҳуқуқи*. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2019.

<sup>5</sup> Мадалиев О. *Аграр ва ер муносабатлари ҳуқуқи масалалари*. – Тошкент, 2021.

<sup>6</sup> Қодиров М. *Ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш*. – Тошкент, 2020.

<sup>7</sup> Колбасов О.С. *Экологическое право России*. – Москва: Юристъ, 2001.

<sup>8</sup> Суханов Е.А. *Гражданское право*. – Москва: Волтерс Клувер, 2014.

<sup>9</sup> Sprankling J.G. *Understanding Property Law*. – Carolina Academic Press, 2012.



Date: 1<sup>st</sup> April-2026

таҳлилий ва рақамли маълумотларга асосланиши самарадорликни оширади. Бизнингча, амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга ер муносабатларида қонунийликни таъминлашга оид махсус модда киритиш лозим. Унда:

- ер қонунчилиги ижроси устидан доимий мониторинг;
- ер ажратиш қарорларининг қонунийлигини текшириш;
- қишлоқ хўжалиги ерларини ноқонуний ўзлаштириш ҳолатларини аниқлаш ваколатлари белгиланиши лозим.
- Ер кадастри ва прокуратура ахборот тизимларини интеграция қилиш;
- Ерга оид қарорларни автоматик таҳлил қилувчи риск-аналитик механизм жорий этиш;
- Қонунбузилиш эҳтимоли юқори бўлган ҳудудларни аниқлаш.
- Ердан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиш босқичида прокурор ҳулосасини мажбурий қилиш (айниқса ер тоифасини ўзгартиришда);
- Ер ресурслари бўйича жамоатчилик назорати механизмларини кучайтириш.
- Ерни ўзбошимчалик билан эгаллаш учун санкцияларни ошириш;
- Мансабдор шахслар томонидан ноқонуний қарор қабул қилинганда шахсий жавобгарликни кучайтириш;
- Қонунийликни бузган ҳолда берилган ер қарорларини автоматик равишда бекор қилиш тартибини жорий этиш.

Ер муносабатларида прокурор назорати қонунийликни таъминлаш, ер ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни кафолатлаш ҳамда жамоат манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳуқуқий механизми ҳисобланади. Миллий ва хорижий олимлар қарашлари прокурор назоратини профилактик, таҳлилий ва институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатади.

Таклиф этилган чора-тадбирлар амалга оширилса, ер муносабатларида қонунийликни таъминлаш самарадорлиги сезиларли даражада ошади ҳамда ер ресурсларини муҳофаза қилишнинг замонавий ҳуқуқий модели шаклланади.

Кадастр агентлиги томонидан мазкур Қарорга асосан аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тўпланган ҳужжатлар зудлик билан ҳудудий прокуратура органларига Қўшма тартиб асосида хабар берилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида Кадастр агентлиги ер ва кўчмас мулк кадастрини юритиш, кадастр маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва мунтазам янгилаб бориш, ер участкаларига кадастр рақамлари ва паспортлар бериш, ер фондининг ҳолати, ноқонуний равишда қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланиладиган ерларга қурилиши ишлари амалга оширилганлиги ҳолатларини аниқлаш, жарималар қўллаш, тегишли тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ахборот бериш, ердан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда ҳудудларнинг ўзгариши бўйича мониторинг олиб бориш, геодезия ва картография ишларини ташкил этиш, ер участкаларининг чегараларини белгилаш, давлат реестрларини – ер ресурслари, кўчмас мулк ва унга оид ҳуқуқлар давлат реестрларини юритиш, кадастр қийматини аниқлаш,



Date: 1<sup>st</sup> April-2026

худудларни режалаштириш ва инвентаризация қилиш, электрон ахборот тизимларини ривожлантириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига интерактив давлат хизматлари кўрсатиш каби вазифаларни бажаради. Агентлик шунингдек кадастр маълумотларининг тўғрилиги ва аниқлигини таъминлаш, ерга доир ҳужжатларни қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириш, кўчмас мулк объектлари ҳақидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлигини кафолатлаш, ер ва мулк бўйича ўлчовларнинг аниқлиги устидан назоратни амалга ошириш, қонунчиликда белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш, фуқаролар муурожаатларига тезкор ва асосли жавоб бериш ҳамда соҳада коррупциянинг олдини олиш бўйича масъул ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Худудгазтаъминот» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ташкилотлари томонидан ўз тизимидаги корхона ва ташкилотларга тегишли бўлган ер участкаларини хатловдан ўтказиши ҳамда кейинчалик доимий равишда ер участкаларидан самарали фойдаланилишини ўрганиб бориши, шунингдек, ҳар чоракда ўзига тегишли бўлган ер участкаларини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда аниқланган ноқонуний ҳолатлар бўйича маълумотларни Бош прокуратурага тақдим этиб боришлиги белгиланиб, келгусида аниқланадиган қонунбузлиши ҳолатларига эрта барҳам бериш йўллари яхшиланди.

Мазкур белгиланган тартиб-қоидалар натижасида ерга оид муносабатларда қонунбузлиши ҳолатларини бартараф этишга имкониятлар яратилди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан белгиланган муддатларда текширишлар ташкил этилиши, шунингдек аниқланган қонунбузлиши ҳолатларига нисбатан қатъий прокурор назорати ҳужжатларини доимий равишда қўллаб бориш белгиланди.

Шунингдек, аҳоли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида фуқароларнинг муурожаатларини қабул қилиш учун ташкил этилган қисқа “1007” рақамига ва Кадастр агентлигининг қисқа “1097” рақамига юборилган муурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ерга оид муносабатларда қонунбузлиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят иши, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида иш кўзғатиш ёки бошқа прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, қонунбузлиши ҳолатлари бартараф этилади.

